

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма хукуқида*  
**УДК:339.138: 6П8(575.1)**


**МЕЙЛИЕВА ДИЛНОЗА БОБОНИЁЗ ҚИЗИ**

**БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Икрамов М.А.**



**Тошкент -2023**

**1255**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ.</b>	<b>БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
1.1.	Болалар озиқ-овқат саноатида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг замонавий ёндашувлари.....	12
1.2.	Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларининг ўрни.....	24
1.3.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларига ўрнатилган талаблар ва уларнинг таснифий белгилари.....	35
	Боб бўйича хуносалар .....	48
<b>2-БОБ.</b>	<b>БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ...</b>	<b>50</b>
2.1.	Ўзбекистон Республикаси болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.....	50
2.2.	Болалар озиқ-овқати маҳсулотларига истеъмолчиларнинг талаблари таҳлили.....	59
2.3.	Ўзбекистон болалар озиқ-овқати маҳсулотлари бозорини таҳлили.....	74
	Боб бўйича хуносалар .....	81
<b>3-БОБ.</b>	<b>БОЛАЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>84</b>
3.1.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги тадқиқотларини самарали ташкил этиш .....	84
3.2.	Ўзбекистонда болалар озиқ-овқат маҳсулотлари фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш .....	95
3.3.	Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш .....	112
	Боб бўйича хуноса .....	121
	<b>ХУЛОСАЛАР .....</b>	<b>124</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>130</b>
	<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>143</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорида асосий стратегик масалалар ечимини ҳал қилишда озиқ-овқат саноати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш тақозо этмоқда. Инсон учун энг муҳим бойлик, бу-унинг саломатлигидир. Уни таъминлашнинг 55 фоизи эса соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишига боғлиқдир. Business Consulting компаниясининг маълумотларига кўра болалар озиқ-овқат дунё бозори йилига 7 фоиздан ошиб, 2025 йилга бориб ишлаб чиқариш ҳажми 25,6 млрд. АҚШ долларига тенг бўлар экан<sup>1</sup>. Шуларни инобатга олган ҳолда болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш бўйича ёндашувларни фаоллаштириш заруратини тақозо этади.

Жаҳонда глобал пандемия шароитида дунё давлатлари қатори бизда ҳам аҳолининг турмуш даражасини ошириш, жумладан, болалар озиқ-овқатини хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол талаблари сифатли маҳсулотлари билан қондиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, болалар озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва тадбиркорларда маркетинг хизматларини шакллантириш ва улар фаолиятида кенг қамровли чуқур илмий асосга эга бўлган маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозори фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичларини турли маркетинг тадқиқот усусларидан фойдаланиш асосида моделлаштириш ва прогнозлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда змонавий маркетинг бошқаруви ва тадқиқот усусларини қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишида инновацион технологияларни жорий этиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини соғлом овқатланишига ўргатиш асосида турмуш фаравонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

---

<sup>1</sup> <http://businessconsulting.com/>